

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 17-iyul, chorshanba № 54 (15692)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжаликларида ҳосилдорликни юксак даражага етказганимиз фидойи деҳқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намойиш этиб, бутун халқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Халқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъзозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эъзозига қўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп ғалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган

буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бори ўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжimizни таъминлаш, айна пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Албатта, қўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омил ва мезонлари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгилаш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг кўламли ислохот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимизнинг негизини ташкил этмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллажонов фотокolleжи

«G'alla – 2013»

ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Мамлакатимиз ғаллакорлари 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон йиғиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар.

Заҳматкаш деҳқон ва фермерларимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати натижасида уюлган бу улкан хирмон Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига муносиб тўёна бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида мамлакатимиз истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ ғалла мустақиллигига эришди. Бу соҳадаги натижалар йил сайин юксалиб бораётир.

Эътиборли томони шундаки, собиқ тузум даврида етиштирилган ҳосил тўла давлатга топширилган, йил бўйи меҳнат қилган деҳқоннинг ўзи эса донсиз, унсиз қолар эди.

Бугун юқори ҳосилдорликдан, аввало, ер эгаси манфаатдор. Шартнома режасидан ортган ҳосил — деҳқону фермерларнинг ихтиёрида.

Буларнинг барчаси юртимизда нон тўкинлиги, халқимиз дастурхонида бу азиз неъмат мўл бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ғаллачилик ривожини чорвачилик ва парран-

дачилик каби тармоқларга ҳам ижобий таъсир этиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Бугун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солсак, бу борадаги рақам ва кўрсаткичларнинг аҳамияти янада яққолроқ намойиш бўлади. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётир. Айрим мамлакатларда озиқ-овқат, хусусан, ғаллачилик соҳасида жиддий муаммолар ва қийинчиликлар юзага келиб, нон тақчиллиги кузатилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

(Давоми,
боши 1-бетда)

Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларида воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигида мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ аҳлининг бутунлай янги фикрлаш, ўз меҳнатига янги қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустақамлаш ва тараққий эттириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратиб берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигида чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқишида, деҳқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиби деб ҳис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянчига айлантиришда беқиёс аҳамият касб этди.

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаолиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритаётган улкан марраларимизнинг асосий шартини ва гаровини бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлгани йўқ. Ғаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боғлиқ турли синовларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Қиш фаслида ҳавонинг совуқлик даражаси мейёридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эришганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охириги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашорат ва зараркунандаларга қарши курашиш — албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда

бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учқўрғон, Норин, Уйчи, Сарийосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинкўл, Иштихон, Пахтабод, Избоскан, Баликчи, Оқдарё, Учқўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фурқат, Пискент, Юқоричирчиқ, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», «Шакар ота», Учқўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Норин туманидаги «Аҳмадjon Алижон ота ўғли», Учқўрғон туманидаги «Гулхумор», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», Олтинкўл туманидаги «Намуна серҳосил ери», Жондор туманидаги «Бахтиёр Яраш ўғли», Дўстлик туманидаги «Омонтурди ота», Хатирчи туманидаги «Тасмачи иқболи», Ўртачирчиқ туманидаги «Иброҳим Абдураҳмонов» каби ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз деҳқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини деҳқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиламиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим! Ишончим комил — бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлаб, «Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг!» деб айтиладиган ҳистуйғулар, эзгу тилаклар мужассам, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва олижаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЎЗА сурати

ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

(Давоми,
боши 1-бетда)

Минг шуқурки, мамлакатимизда тўкинлик, мўлкқўлчилик, арзончилик. Бу аграр соҳани ислоҳ қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, ҳар томонлама сифатли буғдой ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ-иқлим шароитимизга мос замонавий агротехнологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилган туб ислохотлар самарасидир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, навларни танлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини такомиллаштириш ғалланинг сифат ва истеъмол хусусиятларини янада юксалтирмоқда. Серҳосил, касалликларга чидамли навларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Олимларимиз яратган серҳосил, эртапишар «Чиллаки», «Замин-1», «Дўстлик», «Андижон-1», «Андижон-2», «Андижон-4» ва «Туркис-

тон» каби ўндан зиёд маҳаллий нав ҳосилдорликни янада ошириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 31 майда қабул қилинган бошоқли дон экинлари ҳосилидан бўшаган ерларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирларига оид қарори асосида ғалла ўрими-йиғими уюшқоқлик билан олиб борилди ва у самарали яқунланмоқда. Шу билан бирга, шудгорлаш ишлари сифатли бажарилиб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда.

ЎЗА

Navqiron avlod so'zi

Юксак хирмонда менинг ҳам ҳиссам бор

Инсоннинг нияти ўзига йўлдош, дейишади. Жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилингани замирида юртимиз обод, дастурхонимиз фаровон, рўзгоримиз қут-баракали бўлишидек улкан мақсад, эзгу ният мужассам эди. Режани бажариб, доvon ошиб ўтган фермерларимизнинг катта хирмонига кўзингиз тушса, ана шу ниятларнинг рўёбини кўргандай бўласиз.

Бу йил деҳқонларимиз учун омадли келди. Тинимсиз меҳнат, тўқилган тер ўз самарасини берди. Ерга қадалган уруғга катта умид боғлаган ҳар бир деҳқон, ҳар бир фермернинг эл, оиласи олдида юзи ёруғ бўлди. «Абдуғофур Асилбек» фермер хўжалигини бошқараман. Шунга ҳам ўн тўрт йил бўлибди. Ташкил этилгандан буён унга раислик қиламан. Ушанда 21 ёшда эдим. Ўйлаб қарасам, жуда ёш бўлган эканман. Тўғриси, ёшлигимдан қишлоқ хўжалиги ишларига, хусусан, деҳқончиликка ҳавасим бошқача эди. Хўжалигимиз ташкил топганда, ёш ва тажрибасизлигимни кўрган агроном Бахтиёр Боиров мени ёнига олди. У киши фермер хўжалигини бошқариш, деҳқончилик сир-асрорларидан воқиф қилди. Турли йўл-йўриқларни менга эринмай кўрсатди. Мен эса буларни кунт билан ўргандим. Шу боис Бахтиёр акани устозим деб биламан.

Жами ер майдонимиз 139,3 гектарни ташкил этади. Шундан етмиш гектари ғалла майдонидир. Бу йил ҳам давлатга ғалла сотиш режасини ортиғи билан бажардик, яъни 201 тонна ўрнига 219 тонна ғалла топширдик. Бу ютуқдан барчамиз — ота-онам, укаларим, хўжалигимиз аъзолари бирдай хурсанд бўлдик. Чунки бу маррага етишда уларнинг ҳиссаси жуда катта. Айниқса, сувчилар — Умрзоқ Бобоқулов, Латиф Эшбеков, Маннон Остонов, механизатор Раим Каттабековнинг бу ғалабада алоҳида улуши бор.

Ғалладан олган даромадимиз ёмон бўлгани йўқ. Даромаддан ишчилари-

мизни тақдирладик, маошларини бердик. Бундан ташқари, ерга ишлайдиган янги техникалар харид қилиш ниятимиз бор. Ахир, техника деҳқоннинг қанотида. Иш қуролингиз соз бўлса, машаққатингиз оз бўлур, дейишади-ку.

Эл ризқини яратиш ҳам, аслида, катта савоб иш. Шундай кунларда деҳқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари қут-баракага тўлиб бораётганини кўриб қувонасан, киши. Муҳими, деҳқонлар ўз меҳнатларидан катта манфаат кўрмоқда. Шу боис иштиёқ билан ишлашяпти, катта марраларни кўзлашяпти. Ўзи манфаат кўрган одамнинг элга ҳам, албатта, нафи тегади.

Нон сероб бўлса, дастурхон тўкин, кўнгул эса тўқ бўлади. Шунинг учун ҳам нонни буюк ва бебаҳо неъмат сифатида эъзозлаймиз. Нонсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Элимизнинг пешона тери эвазига бунёд бўлган улкан хирмон ҳар бир ватандошимиз кўнглини тоғдай кўтарди. Энди ризқимиз бутун, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўқ бўлади. Мамлакатимизнинг ана шу юксак хирмонини яратишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан қалбимда чексиз ифтихор туяман ва бундан кейин ҳам янги марралар сари одимлайвераман.

Улуғбек КАТТАБЕКОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик
туманидаги Хўжам
Исроилов номли сув
истеъмолчилари уюшмасига
қарашли «Абдуғофур Асилбек»
фермер хўжалиги раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг аввало иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлашга ва унинг рақобатбардошлилигини оширишга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жадаллаштиришга ва кўламларини кенгайтиришга, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳоли бандлигини, турмуши даражаси ва сифатини изчил оширишга йўналтирилган устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ишлари натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилиб, чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг самарали стратегияси изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши тўғрисида, глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши — 7,3 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши — 16,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инф-

ляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Ички талабни мутаносиб рағбатлантириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ва хизматлар кўрсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,4 фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,6 фоизга, хизматларнинг — 12,1 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 52,2 фоиз ўрнига 52,4 фоизга ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36,1 фоизга кўпайди.

Энг юқори даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол ривожланмоқда. Бу уларнинг ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликдаги улушининг изчил ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатнинг фаровонлиги ва равақини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг I ярим йиллигида 554,4 мингта янги иш ўринлари, улардан 334,4 мингтадан кўпроғи ёки 60,3 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди. Аҳолининг реал даро-

мадлари 16,3 фоизга ўсди.

Муҳокама давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида устувор вазифалар бажарилишини ҳамда 2013 йил учун белгиланган мақсадли параметрлар ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган, шунингдек, кейинги йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш бўйича комплекс кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сонини кўпайтириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгалланган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисида стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва 2013 йилда ишга тушириш назарда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қайд этилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,2 фоизга, шу жумладан хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини — 13,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. 1233 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 6,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон миллий автомагистрал таркибига кирувчи автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 349,9 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Муҳокама давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қолоқликка

йўл қўйган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдида камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришни ва ишлаб чиқариш объектларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлайдиган кўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилиши тугалланишини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортдан олинадиган валюта тушумини кўпайтириш ишларининг ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилиб, батафсил таҳлил қилинди. Қайд этилдики, жаҳон бозорлари конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларга қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 11,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади. Маҳаллий товарлар ва хизматларни экспорт қилиш турлари ва географияси кенгаймоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ва уларнинг турларини кенгайтириш захираларини аниқлаш ва мавжуд захираларни сафарбар этиш ишларини зарур даражада ташкил этишни таъминламаётган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдида экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган саноат корхоналарини экс-

порт фаолиятига жалб этишга, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини бошқариш ва унинг сертификациясини ўтказишнинг замонавий тизимларини кенг жорий этишга йўналтирилган комплекс кўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисида бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва ёзуларни ўстириш бўйича комплекс агротехника тадбирларини бажариш ишларининг ҳолати батафсил кўриб чиқилди. Қайд этилдики, деҳқонлар, олимлар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ходимларининг фидокорона меҳнати тўғрисида бошоқли дон экинларидан биринчи марта 7,6 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳосил олинди. Уртача ҳосилдорлик гектаридан 49,2 центнерни, шу жумладан суғориладиган ерларда — гектарига 55 центнерни ташкил қилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори 955 минг гектар ерларни шудгорлашни тугаллашни жадаллаштириш, уларнинг бир қисмида қишлоқ хўжалиги экинларини такроран экишни уюшқоқлик билан ва ўз вақтида ўтказиш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, улар олдида ёзулар ривожига қолоқликни бартараф этишни таъминлайдиган комплекс кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар кўйилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Энг яхши бизнес режа

«Камолот» ЁИХ қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасида «Ёш тадбиркор — юртга мадакдор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Танлов доирасида ташкил этилган семинар-тренингда танлов иштирокчиларига «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда «Агробанк» ОАТБ вакиллари томонидан ўқув машғулоти олиб борилди. Машғулотларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари-

га тадбиркорлик ҳақида кенг тушунчалар бериб ўтилди. Семинарда танлов иштирокчилари банк ходимлари билан мулоқотда бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Танлов қатнашчилари тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар билан ҳам яқиндан таништирилди. Сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз бизнес режаларини янада мукамаллаштириш учун бизнес-тренерларга бириктирилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар бўйича махсус семинар-тренинглар ташкил этилди. Семинар сўнгидан танлов иштирокчилари ишчи гуруҳ олдида ўз бизнес режаларини ҳимоя

қилишди. Унга кўра, олтмиш нафар иштирокчининг олти нафарига танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Етти нафари эса голиб деб топилди, тижорат банклари томонидан молиялаштиришга тавсия этилди.

— Ушбу танловлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари сафини ёшлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, микрокредит ва истеъмол кредитлари олиш борасида янги имкониятлар яратмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси Азамат Камолов. — Танловларга асалари-чилик, маиший хизмат кўрсатиш, деҳқон хўжалигини йўлга қўйиш, иссиққо-

на ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича бизнес режалар, кўплаб инновацион лойиҳалар тақдим этилган.

— Танловда болалар кийимларини замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашдим, — дейди паркентлик Гулбахор Рухиддинова. — Бизнес лойиҳам республика босқичига лойиқ топилганидан хурсандман. Ушбу лойиҳам орқали янгича дизайндаги болалар кийимини тайёрлаб, ўттиз нафар паркентлик тенгдошимни доимий иш билан таъминлаш мумкин.

Танлов якунида голиб ва иштирокчилар диплом ва фахрий ёрликлар, эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



Руслан НУРИДДИНОВ:

Vatanimiz mustaqilligining 22 yilligi oldidan

ОРЗУМ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ

Россиянинг Қозон шаҳрида ўтган XXVII Жаҳон универсиадада андижонлик полвон Руслан Нуриддинов оғир атлетика бўйича 105 килограмм вазн тоифасида икки марта рекорд ўрнатиб, Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига олтин медаль келтирди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети жисмоний маданият факультети талабаси, Жаҳон универсиадада голиби Руслан Нуриддинов билан мусобақа таассуротлари, ўзбек оғир атлетика мактаби истиқболлари ва спортчининг келажак режалари ҳақида суҳбатлашди.

— Бугун жаҳон ареналарида эришаётган ҳар бир ғалабамиз мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самараларидир, — дейди Р.Нуриддинов. — Турли халқаро мусобақаларда бошқа давлат спортчилари билан кўп суҳбатлашаман. Шундан келиб чиқиб айтсам, болалар спортини ривожлантиришга дунёда Ўзбекистончалик эътибор қаратаётган мамлакатни учратиш қийин.

Мамлакатимизда болалар спортни ривожига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан асосий мақсад — ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишдир. Бунинг натижасини бугун Ўзбекистон ёшлари эришаётган халқаро муваффақиятларда, жисмонан ва маънавий баркамол фарзандлар тимсолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

— **Руслан, Жаҳон универсиададан қандай таассуротлар билан қайтдингиз? Шохсупага кўтарилганда кўнглингиздан нималар ўтди?**

— Қозондаги мазкур нуфузли мусобақада жаҳоннинг етакчи атлетлари голиблик учун ўзаро рақобатлашди. Рақиблар орасида жаҳон спортида юқори натижаларни қайд этган полвонлар кўп бўлса-да, беллашувларга киришар эканман, кўнглимда ўз кучимга бўлган ишонч, хотиржамлик бор эди. Чунки мусобақага пухта тайёргарлик кўрган эдик. Биз, спортчилар серқуёш юртимизнинг мусатфо ҳавоси, зилол сувлари, бетакорр табиатидан жисмоний ва руҳий қувват оламиз. Булар мусобақада ўз самарасини беради.

Универсиада мусобақаларида штангани даст кўтаришда

летларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда мунтазам совринларни кўлга киритмоқда. Спортимизнинг эртаси бўлган ана шу иқтидорли йигит-қизлар бугун ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон ҳамда қитъа биринчиликларида голиб бўлаётгани миллий спортимизнинг янада юксак ютуқлари ҳали олдинда эканига умид ва ишонч бағишлайди. Бу, шубҳасиз, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон спортига, жумладан, оғир атлетикага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ўзбекистон оғир атлетика

теъдод эгаларини маҳоратли спортчилар этиб тарбиялаш тизими тўғри йўлга қўйилганидан далолат ва бу ютуқларимизнинг бош омили бўлмоқда. Мамлакатимизда мактаб ўқувчисидан олий ўқув юрти талабасигача бўлган ёшларни бир мақсад сари бирлаштирган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари маҳоратли спортчиларни, соғлом авлодни тарбиялашнинг самарали воситаси экани ҳаётда ўз исботини топди. 2016 йилги Олимпия ўйинларига тайёргарлик дастурига кўра, ушбу мусобақалар таркибига



190, силтаб кўтаришда 222, иккикураш бўйича 412 килограмм натижа қайд этиб, ғалаба қозондим. Бу кўрсаткичлардан икkitаси мусобақа рекорди сифатида қайд этилди.

Жаҳон универсиадада шоҳсупасига кўтарилар эканман, шу даражага етишим учун барча шарт-шароитни яратиб берган ота-онам, мураббийларим, қўллаб-қувватлаб турган ҳамюртларим кўз олдимдан бир-бир ўтди, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимдан беҳад қувондим.

Ғалабамни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — буюк ва муқаддас Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлайман.

— **Спортчи сифатида ўзбек оғир атлетика мактабининг сўнгги йиллардаги салмоқли ютуқларининг асосий омиллари нимада, деб биласиз?**

— Ўзбек оғир атлетика мактаби дунёда етакчилар қаторидан жой олганини бугун халқаро спорт ҳамжамияти вакиллари ҳам эътироф этмоқда. Ат-

мактабининг жаҳондаги мавқеи тобора юксалиб бораётир. Буни мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда ушбу спорт тури бўйича олти йирик тадбир — уч мартадан Осиё чемпионати ва кубоги мусобақалари юқори савияда ташкил этилгани ҳам кўрсатиб турибди. 2010 йили Тошкент шаҳрида ўтган қитъа биринчилиги ёш атлетлар учун Сингапур мезбонлик қилган I ўсмирлар Олимпиадасига саралаш мусобақасига тайёргарлик вазифасини ўтади.

Жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича ўтган IV жаҳон чемпионати дунё атлетлари 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун курашди. Унда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бўлажак Олимпиадада бир жуфт йўлланмани кўлга киритди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда спорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ис-

оғир атлетика, бокс, эркин ва юнон-рум кураши ва таэквондо каби янги турларнинг киритилгани халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшларнинг сафи янада кенгайишига хизмат қилади.

— **2016 йилги Олимпия ўйинларига қандай тайёргарлик кўряпсиз?**

— Жорий йилда уч нуфузли мусобақа — Осиё чемпионати, Жаҳон универсиадада ва жаҳон чемпионатида муносиб қатнашишни мақсад қилганман. Минг шукрки, қитъа биринчилиги ва талабалар мусобақасида голиб чиқдим. Энди кузда бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам бу ютуқларни муносиб давом эттиришга ҳаракат қиламан.

Ана шу мусобақаларга пухта ҳозирлик кўришимизда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйин-

ларига тайёрлашга оид қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарорда белгиланганидек, ўқув-машғулот жараёнлари энг замонавий талабалар даражасида ташкил этилмоқда, жисмоний, ижтимоий-психологик, тиббий-биологик тайёргарлик оширилмоқда. Ўз навбатида юқори салоҳиятли спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, олимпиячиларимиз заҳирасини бойитишга катта эътибор берилаетир.

Спортчи сифатида энг олий мақсадим — 2016 йили Бразилияда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига голиб чиқиш. Тўғри, ҳали Олимпиадагача уч йил бор. Лекин бўлажак мусобақага тайёргарликни анча олдин бошлаганимиз айна мудида бўлди.

Олимпиадага қадар учта жаҳон чемпионати ва Осиё ўйинларида қатнашишни режалаштирганман. Бу мусобақаларда тажрибам, маҳоратим ва натижаларимни ошириб бориш билан бирга, рақибларимнинг имкониятларини ҳам ўрганаман.

Бироқ энг асосий рақиб — ўзим. Маълумки, спортчи аввало ўзи билан курашади. Зафар қучиш учун ҳар бир полвон ўзининг ички салоҳияти ва энг юқори имкониятини намоён этиб, штанганинг белгиланган оғирлигини кўтара олиши керак. Агар ўқув-машғулот жараёнлари тўғри ташкил этилган бўлса, спортчи ўзини жисмонан, руҳан, техник ва тактик жиҳатдан тўғри тайёрлай олса, ҳар қандай рақибни ортда қолдиради.

Бу жараёнда спортчининг маънавий камолоти ҳам жуда муҳимдир. Юксак маънавиятли спортчигина ўз устида тинимсиз ишлаш орқали ўз олдида қўйган мақсадларини амалга ошира олади. Чунки спорт жадал тараққий этган ҳозирги замонда мусобақаларда ўз-ўзидан ёки тасодифан ғалаба қозониб бўлмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда терма жамоамиз мураббийлари назорати остида бўлажак Олимпия ўйинларига қатъий режа асосида босқичма-босқич пухта тайёргарлик кўряпмиз. Бу йилги Осиё чемпионати ва Жаҳон универсиадада Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг дастлабки босқичи бўлди. 2014-2015 йиллардаги жаҳон чемпионатларида олимпия йўлланмасини олиш учун курашаман. Орзум — Бразилиядаги Олимпия ўйинларидан давлатимиз байроғини баланд кўтариш ва мадҳиямиз баралла янграши учун бор куч-ғайратимни сарфлайман. Зеро, ўзини, қадр-қимматини англаган инсон учун ўз Ватани шарафига учун майдонга чиқишдан улкан бахт йўқ.

ЎЗА мухбири
Зоҳир ТОШХУЖАЕВ
суҳбатлашди.

Қувноқ эстафета

Мана олти йилдирки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан болаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси ташкил этиб келинмоқда. Бу йил Ҳаракатнинг Чилонзор тумани кенгаши болаларнинг мароқли дам олишлари учун мазкур лойиҳа доирасида ўн икки йўналишда турли тадбирларни ўтказяпти. Яқинда тумандаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида «Кўчма спорт ўйинлари» спорт-соғломлаштириш тадбири ташкил этилди. Унда шашка, шахмат, стол тенниси, «Қувноқ эстафета», «Қувноқ стартлар», «Ким эпчилу ким чаққон?» спорт мусоба-

қалари, «Сиз «Камолот»ни биласизми?» викторинаси ўтказилди. Мусобақаларда тумандаги 1-, 2-, 3-Катта Чилонзор маҳалла ёшлари гуруҳларга бўлиниб иштирок этишди.

Мусобақалар якунига кўра, биринчи ўринни 2-Катта Чилонзор маҳалла ёшлари, иккинчи ўринни 1-Катта Чилонзор маҳалла ёшлари, учинчи ўринни 3-Катта Чилонзор маҳалла ёшлари эгаллади.

Азиза ҚАРШИБОВА,
Тошкент ирригация ва мелиорация
институты талабаси

«Yoz — 2013»



Истиқболимиз кафолати

Юртимизда ахборот соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, ахборот эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий, технологик шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, медиаконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

Бугунги кунда республика-мизда 1326 та оммавий ахборот воситаси, шунингдек, 930 та интернет-оператор ва провайдер, 1045 та интернет-кафенинг фаолият кўрсатаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 98 фоизи глобал тармоқда ўз веб-сайтларига эгалиги, интернет орқали 197 хилдаги интерактив давлат хизматининг кўрсатилиши ва рўйхатга олинган веб-ресурслар сони жами 7648 тани ташкил этаётгани фуқароларга ахборот олиш ва ундан фойдаланишда яратилган шароитларнинг бир қисми дейиш мумкин. Бундай шароитлардан, айниқса, ёшлар унумли фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бироқ тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, фаолиятининг шаффофлиги ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масаласи, фуқаролар, хусусан, ёшларнинг ахборот олиш имкониятини кенгайтириш масаласи бевосита ахборот соҳасидаги миллий қонунчилик базасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари асосида янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, ахборот соҳасини ислох қилиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масаласи долзарб бўлган боис, 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузасида Президентимиз «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиш таклифини билдирган эди. Маърузада таъкидланганидек, «қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини янада ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиради».

Қонун лойиҳаси ўтган йили ишлаб чиқилиб, йигирма битта моддадан иборат. Қонун лойиҳасининг асосий принциплари ва қоидаларига амалиётда ишлов бериш, унинг нормалари самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Давлат ҳокимияти ва бо-

шқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги фармойиш қабул қилинди.

Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш учун Бухоро ва Самарқанд вилоятлари танланди. Экспериментнинг субъектлари сифатида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, вилоятдаги юзга яқин давлат ва хўжалик бошқаруви органлари белгиланган.

Ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари — қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини, улардан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган нормалари самарадорлигини аниқлаш; қонун лойиҳаси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш, уларни самарали қўллаш механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнига ҳуқуқий эксперимент усуллари жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; давлат органлари раҳбарлари ўзи қабул қилаётган қарорларнинг, энг аввало, одамлар манфаатларига, жамоатчиликка дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунтириш борасидаги ишларда фаол иштирокини рағбатлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, усуллари ишлаб чиқиш; миллий матбуотнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ёритиш сифатини, самарадорлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган, журналистларнинг касбий фаолияти соҳасида ўзини ўзи тартибга солишнинг (касбий этика кодексининг) турли механизмларини амалиётда синовдан ўтказиш; қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият юритишига, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири оқибатларини баҳолаш.

Айтиш лозимки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари сифатида мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари, ахборот хизмати ёки бошқа ваколатли тарки-

бий бўлинмаларининг хабарлари, расмий веб-сайти материаллари, оммавий ахборот воситалари материаллари хизмат қилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий усуллари давлат органининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиши (эълон қилиши), ахборотни расмий веб-сайтта жойлаштириши, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган жойларда жойлаштириши, ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчиларни ўзининг коллегиял кенгашиларида иштирок этишларини таъминлаш, сўровлар асосида оғзаки ва ёзма шакллардаги ахборотни тақдим этиши киради.

Қонун лойиҳасининг 14-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқ кенгашиларда ахборотдан фойдаланувчиларнинг, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакилларининг иштирок этишлари имкониятини таъминлаш, иштирок этиш тартиби тегишли регламентлар билан белгиланиши қайд этилган. Демак, фуқаролар, шу жумладан, сайловчилар халқ депутатлари кенгашиларининг сессияларида қатнашиши мумкин. Шу орқали улар учун сессиялар жараёнида муҳокама ва баҳс-мунозараларни, ўзлари сайлаган депутатлар нечоғли фаоллик кўрсатаётганини бевосита кузатиш имконияти яратилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларига, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бундай ахборот олишда кенг имкониятлар очиб беради. Қонун лойиҳасида, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари, уни таъминлашнинг асосий усуллари белгиланган.

Унда ахборот олиш сўровларига жавоблар тайёрлаш муддатлари норматив жиҳатдан мустаҳкамланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўрови у рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилиши лозим, эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти ҳамда эксперимент ўтказиш субъектларининг мансабдор шахслари билан интервью ташкил этиш тўғрисидаги оммавий ахборот воситаларининг сўрови эса етти кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот олиш учун ёзма (шу жумладан, электрон) ва оғзаки шаклда, шунингдек, бевосита ўз вакиллари орқали сўров

юбориш ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланган.

Қонун лойиҳасига кўра, давлат органлари фаолияти ахборотидан фойдаланувчилар барча фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади. Аҳолининг фаол қатлами сифатида ёшлар давлат органларининг ахборот ресурсларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлишлари лозим. Давлат органлари фаолияти ҳақида норматив ахборотлар, ҳудудга оид воқеа ва ҳодисалар, турли хилдаги долзарб ахборотлар уларнинг веб-сайтларига жойлаштириб берилса, қизиқарли ва долзарб бўлса, ёшларнинг хорижий интернет манбаларидан фойдаланиши сезиларли даражада камаяди.

Ҳуқуқий экспериментда бир томондан давлат органи, иккинчи томондан жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этапти. Бироқ бунда фуқароларнинг нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллиги, айниқса, муҳимдир. Фуқаролар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан ахборот олиш учун давлат ҳокимияти органларига қанчалик кўп мурожаат қилишса, жараён шунчалик жонланади.

Эксперимент янги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш билан бирга, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги давлат органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш борасида бошқа ҳудудларга қараганда бир қадам олдинга чиқиб олишга ёрдам беради.

Экспериментдан кейинги давр ҳам муҳим. Экспериментдан сўнг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида икки вилоятда яратилган шарт-шароитлар (ахборот ресурслари, ахборот хизматлари, веб-сайтлар ва бошқалар) сақланибгина қолмай, балки келгусида давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларга малакали мутахассислар жалб қилинади, молиявий ва техник масалаларга эътибор кучайтирилиб, компьютер техникаси янгиланади, ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялаш, фаолият очиқлигини таъминлаш механизмлари янада такомиллаштириб борилади.

Бир сўз билан айтганда, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг ахборотдан фойдаланиш маданиятини янада юксалтириш, давлат ва жамият бошқаруви кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни ҳам жалб қилиш, қолаверса, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини муттасил кузатиб бориш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъуллигини ошириш, кенг жамоатчиликнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фахриддин СОЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Jarayon

Iftixor

Бундан бир неча йиллар аввал, мен ҳали мактабнинг жамалаксоч ўқувчиси, бобом билан шаҳар айланганим кечагидек ёдимда. Пойтахтимиз кўчалари бўйлаб кезарканмиз, бобомнинг: «О, бу юрт қанчалар азиз, унинг шаҳару қишлоқларини кезиб тўймайсан!» дея лутф қилганлари қулгимдан кетмайди.

Оддий сўзлар эди, лекин нега у менинг қалбимга жойланган, нега ҳеч ёдимдан чиқмайди — бунинг сабабини бугун англаб етаётгандайман. Бобомнинг гапириш оҳангида чексиз шукроналик, ифтихор, қувонч туйғулар билан биргаликда, не-не кунларни бошидан кечирган, яхши-ёмон дамларга гувоҳ бўлган қалбнинг истиқлол неъматидан масрурлиги ҳам ифода этилган экан у сўзларда.

Сен билан фахрланаман!

Хонадонга ташриф буюрган меҳмоннинг биринчи нигоҳи оstonага тушгани каби, Ватанимиз тупроғига қадам қўйган ҳар бир хорижликнинг кўзи биринчи бўлиб пойтахтимизга тушади. Минг шукрки, бугун Тошкент дунёнинг манамен деган шаҳарларидан гўзалликда ҳам, ҳашамда ҳам, салобатда ҳам асло қолишмайди. Айниқса, мустақиллик йилларида шаҳар худудининг кўкаламзорлаштирилиши, боғу дарахтзорларнинг кўпайиши билан унинг кўркига кўрк қўшилди.

Нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг ҳар бир шаҳару қишлоғида бугун бунёдкорликнинг нафасини сезасиз. Номи етти иқлимга ёйилган Самарқанд бугун фақатгина тарихий обидаларю боғ-роғлари билан эмас, замонавий бинолари, кенг ва равон кўчалари, беқиёс ҳавоси билан ҳамманинг ҳавасини келтиради. Андижоннинг бугунги қиёфаси жаҳон аҳлини лол қолдиргудек. Икки томони гулзор, равон кўчаларидан юриб ўтган киши унинг ҳуснига қараб тўймайди.

Умуман, бу каби таърифларни бугун мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманига нисбатан ишлатиш мумкин. Ҳа, истиқлол бизга ғуруримизни, қадриятларимизни, ўзлгимизни қайтариб бери.

*Ватаним мадҳидан
чарчамас тилим,
Юртим кенгликларин
кезавераман.
Шоир эмасман-у,
ёрқин рангларда
Ватан суратини чизавераман.*

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА,
Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси

Тажриба оширилди, навбат тайёргарликка

Konferensiya oldidan

Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг куйи тизимларида навбатдаги — VI ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтади. Ушбу ҳисобот-сайлов конференцияларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасида Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари раис ўринбосарлари, «Камалак» болалар ташкилотини раислари ҳамда ташкилий, кадрлар ва ахборот-таҳлил бўлими мудирилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Икки гуруҳда олиб борилган машғулотларда тингловчиларга ҳисобот-сайлов конференцияларини тўғри ташкил этиш, делегатлар таркибини шакллантириш, тегишли сайлов органларининг ҳисоботларини тузиш жараёнлари ва бу борада учрайдиган муаммолар ҳақида маълумот берилди. Мавжуд муаммолар ечимини топиш бўйича кичик гуруҳларда амалий машғулотлар олиб борилди. Ўқувлар давомида Ҳаракат тизимлари аппаратлари, бўлимлари ва масъул ходимларининг функционал хизмат вазифалари тақсироти, куйи тизимларнинг янги ташкилий тузилмаси ва бошқа мавзуларда ҳам машғулотлар ўтилди. Танланган мавзулар Ҳаракат фаолияти билан боғлиқлиги сабабли машғулотларга «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати тизимларида кўп йиллик иш тажрибасига эга тренерлар ҳамда Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши масъул ходимлари жалб этилди.

Семинарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган 29 та мавзу тақдим этилди. Ҳар бир иштирокчи ўзи танлаган мавзу юзасидан тайёрлаган мустақил ишини ҳимоя қилди. Иштирокчиларнинг мавзуларга оид билимларини аниқловчи тест синовлари ўтказилиб, рейтинг натижалари ишлаб чиқилди. Аниқланишича, семинар иштирокчилари Ҳаракат тизимларида аъзоларни ҳисобга олишга оид ҳужжатларни ўрганиш, ёшлар ҳуқуқи ва психологияси, бошқарув маҳоратига оид мавзуларда машғулотларда иштирок этиш истагини билдиришган.

Семинар доирасида ўтказилган дебатда иштирокчилар «Камалак» болалар ташкилотининг янги таҳрирдаги низомига таклифлар ишлаб чиқишди.

— Ўқув-семинарда Ҳаракат тизимларида фаолият юритаётган ходимлар малакасини ошириш, уларни етарли билим ва кўникмалар билан «куроллантириб» бориш бугунги кун талаби эканлиги аниқланди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси директор ўринбосари Тошпўлат Холиқов. — Биринчи навбатда, ушбу семинар жойларда ташкил этиладиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларни юқори савияда ўтказишга ёрдам беради. Семинарда иштирокчилар бир-бирлари билан фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлганлиги, турли мавзуларда лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали ўз назарий ва амалий билимларини бойитгани катта аҳамиятга эга.

Семинар якунида иштирокчилар билан «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев ўртасида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда муаммолар билан бирга таклифлар ҳам айтиб ўтилди.

Рустам ҚЎҚОРОВ

Хорижий тиллар биринчи синфдан ўқитилади

Qaror va ijro

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ташкил этишда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Қарорга биноан 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан

босқичма-босқич бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Ҳужжатга биноан давлат таълим стандартлари ва чет тилларни биринчи синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режа тасдиқланди. Умумий ўрта таълимнинг 1 — 9-синфлари учун инглиз, француз ва немис тилларидан махсус ўқув дастурлари яратилди.

— Янги ўқув йилидан бошлаб 1 — 4-синфларда ҳафтасига икки соатдан чет тили фани ўқитила-

ди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Носиров. — Биринчи синф ўқувчилари учун «Kid's english» (инглиз тили), «Deutsch macht spab» (немис тили) ва «Hirondelle» (француз тили) дарслик мажмуалари яратилди. Ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедиа дискдан иборат мазкур мажмуалар 132 мактабда тажриба-синовдан ўтказилди. Синов натижалари асосида такомиллаштирилган дарсликлар ҳозир чоп этилмоқда.

Чет тиллар ўқитувчиларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг қароридан қишлоқ жойлардаги таълим муассасалари чет тиллар ўқитувчилари тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридан кўшимча ҳақ

тўлаш белгиланган. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 апрелда қабул қилинган қарори билан устамалар бериш тартиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги қарорига асосан «2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш дастури» тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ 2013 йилда 2 минг 457 бошланғич синф замонавий ноутбуклар, 17 минг 222 бошланғич синф DVD-магнитол мажмуаси ва ўқув-кўргазмалар куроллар, яна 200 мактаб интерфаол электрон доска билан таъминланади.

Бу мамлакатимиз ёшларининг жаҳон цивилизацияси ютуқларини пухта ўзлаштириши, дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
ЎЗА мухбири

Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида «Камолот» ЁИХ ҳудудий кенгашлари қошида «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари ташкил этилган. Ушбу марказларнинг мутахассислари томонидан ёшлар учун кўплаб семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададор» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда.

Коллеж битирувчиси хусусий корхона очди

Шу йил давомида Самарқанд шаҳридаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази томонидан 78 нафар ёшга имтиёзли кредитлар олишда амалий кўмак берилди. Шунингдек, 120 га яқин ёшларнинг мурожаатлари юзасидан консультатив хизматлар кўрсатилди.

«Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашган уч мингга яқин коллеж битирувчисига бизнес режа ишлаб чиқиш тўғрисида бошланғич маълумотлар берилди.

Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, «Агробанк» ОАТБ, «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Ипотекабанк» АТИБ, АТ «Қишлоқ қурилиш банк», «Асака» ДАТБ вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг Самарқанд вилояти босқичида бу йил саккиз нафар ёш сараланиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Яна 12 нафар иштирокчига тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш учун тавсиялар берилди.

Тавсияномага эга бўлган тенгдошларимиз фикри билан танишишни истасангиз, кулоқ тутинг:

Ҳасан Эргашев, Оқдарё тумани агроиқтисодиёт коллежи битирувчиси:

— Тадбиркорликка анчадан буён қизиқаман. Шу боис ҳозир ўзим тамомлаётган коллежга ўқишга киргандим. Бир неча маротаба «Ёш тадбиркор» консультатив маркази томонидан ўтказилган семинар-тренингларида иштирок этганман. Шунингдек, «Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашиб, республика босқичига чиқдим. Республика босқичи доирасида биз учун «Камолот» ёшлар оромгоҳида бир ҳафта давомида тижорат банклари ходимлари ва бизнес-тренерлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига доир семинар-тренинглари ўтилди. Ҳозирда олган билимларимни амалиётда қўллаб, «Камолотга пойдевор» номли хусусий корхона очдим. Корхонада мих ва бурама мих (шуруп)лар ишлаб чиқарилади. Хомашё сифатида истеъмолдан чиққан пўлат симлардан фойдаланамиз. Бугунги кунда республикамизда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётгани учун тадбиркорлик фаолиятдан йилига 52 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни режалаштирганман. Шахсий бизнесимни бошлаш учун банкдан 20 миллион сўм миқдоридан кредит олдим. Уни муддатидан илгари қоплашга ишончим комил.

Маҳбуба Шодиёрова, Сартепо туризм коллежи битирувчиси:

— Ҳозирги кунда Самарқанд дунё сайёҳлик шаҳарларидан бирига айланган. Шаҳримизга келувчи сайёҳлар сонини янада оширишни ўз олдимга мақсад қилдим. Шу мақсадда бу йил «Менинг бизнес ғоям» танловида «Нон ёпиш сирларини туристларга кўрсатиб бериш» номли бизнес режамни тақдим этдим. Танловда «Самарқанд шаҳрида туризмни ривожлантириш» номинацияси бўйича тақдирландим.

* * *

Самарқанд шаҳрида «Ёш тадбиркор» консультатив марказининг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида «Ёш бизнес-тренерлар» мактаби ҳам ташкил этилган. Ушбу мактаб аъзолари учун мунтазам равишда семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Шу орқали ёш тадбиркорларга фаолиятида дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Чемпион қизнинг издошлари

«Kamolot» ko'zgusi

Бугун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангор тумани кенгаши томонидан ёшларнинг баркамол бўлиб улғайишлари учун қатор лойиҳалар, танловлар ташкил этилмоқда. Биргина академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Менинг бизнес ғоям» танлови туманда ўнлаб ёш тадбиркорларни юзга чиқарди.

Ҳаракатнинг туман кенгаши томонидан ёшларни миллий кадрлар руҳида тарбиялаш,

халқ ўйинларини келажак авлодга етказиш борасида ўтказилаётган тадбирлар орасида

«Миллий ўйинлар» фестивали алоҳида аҳамиятга эга. Мана шундай танлов ва фестивалларда тобланиб келаётган ёшлар орасидан кўплаб истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда. Улардан бири ангорлик Сарвиноз Шайдуллаевадир. У жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлди.

Сарвиноз 2008 йилдан буён реал айкидо билан мунтазам шуғулланиб, спорт мусобақалари

да фахрли ўринларни қўлга киритиб келяпти. Айни кунда жорий йилнинг ноябрь ойида Италияда комбат айкидо бўйича бўлиб ўтайдиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.

— Сарвиноз бизнинг фахримиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Ангор тумани кенгаши раиси Бекзод Сувонов. — Мақсадимиз у сингари иқтидорли ёшларни кашф этишдир. Бунинг учун бор имкониятларимиздан фойдаланиб, ҳаракат

қилишимиз. Жорий йилнинг иккинчи чораги давомида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўн тўртта танлов, ўн саккизта спорт мусобақаси, ўттиздан ортиқ давра суҳбатларини ўтказдик.

Бугун туманда Сарвинозга ўхшаб чемпион бўламан, деганлар кўпчиликни ташкил этади. Демак, ёш қаҳрамонларни янада кўпроқ кашф этиш зарур. Бу йилда «Камолот»нинг ҳам ўз ўрни бор.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти

Ер билан тиллашиб, эл билан кенгашиб...

Улуғбек ишнинг кўзини биладиган уддабурон йигитлардан. Тадбиркорлик унинг қониди бор. Ёш бўлишига қарамай, бўкалик фермерлар орасида ўзига хос ўринга эга. Ғайрати жўш урган йигитнинг шашти ҳам баланд.



Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Мурод Соҳибов Бўка туманида биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини ташкил этганда кўпчилик ҳайрон қолган эди. Ушанда чорвачилик йўналиши бўйича иш фаолиятини бошлаган Мурод ака бор-йўғи тўрт гектар ер майдонига ва қирқ бош қорамолга эга эди, холос. Аммо бу инсон бир жойда қараб турмади, фермерлик фаолиятини жадал ривожлантириб борди.

Албатта, фермерлик ишини жадал олиб бориш учун деҳқондан меҳнат, ўз ерига меҳр талаб этилади. Буни яхши тушунган Мурод ака озуқабоп экинларни кўпайтира бориб, қорамоллар сонини оширишга ҳам эришди. 2009 йилга келиб экин майдонлари ўн бир

гектарга етказилгач, қорамоллар сони етмиштадан ошиб кетди. 2011 йилда фермер хўжалиги фаолиятида кескин бурилиш юзга келди. Хўжаликда пахта ва ғалла экинлари ҳам етиштирила бошланди. Бунинг натижасида фермернинг умумий ер майдони 104 гектарга етди.

Мурод ака ўғли Улуғбекдаги иштиёқни, ҳавас ва ғайратни тез пайқади. Ўғлининг меҳнатсеварлигини кўриб, кўп ишни унга ишониб топшириб қўядиган

бўлди. Меҳнаткаш одамнинг фарзанди эмасми, Улуғбек ишдан қочмади, ўрганишдан асло эринмади. Фермерликда отасидан кўп нарса ўрганди. Коллежда бухгалтерия йўналиши бўйича тахсил олган Улуғбек эндиликда фермер хўжалигини ўзи мустақил бошқармоқда.

Дастлабки йили 53 гектар майдонда ғалла, 47 гектар майдонда пахта етиштирган ёш фермер белгиланган шартнома режаларини муваффақиятли адо этди. Ўтган йили эса пахта

Yosh fermerlar

ва ғалладан олинган ҳосил бундан-да зиёд бўлди. Айни кунларда ёш фермер етакчилигидаги олтмиш нафардан зиёд ишчилар кунни кун, тунни тун демай, фидокорона меҳнат қилишяпти.

Давлатга ғалла топшириш шартномавий режаси ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик ўттиз центнердан ошди. 135 тонна ўрнига 150 тонна ғалла топширилди. Бунинг натижасида фермер хўжалигининг эллик миллион сўмга яқин соф даромад олиши кутилмоқда. Пахта далаларида эса ғўза парвариши бир маромда олиб борилаёпти. Ҳозирда 11 гектар ерга озуқабоп экинлар экилиб, саксон бош қорамол боқилляпти.

— Келажакдаги режаларимиз янада катта, — дейди ёш фермер Улуғбек Соҳибов. — Балиқчилик ва паррандачилик хўжалигини ташкил этмоқчимиз. Натижада касб-хунар коллежаларини битирган ёшларни ишга жалб этиб, янги иш ўринларини кўпайтирамиз.

Улуғбек етти ўлчаб, бир кесадиган йигит. Бинобарин, унинг режалари шунчаки баландпарвоз орзулар эмас. Ўйлаб, маслаҳатлашиб, бир тўхтама келгачгина ишни бошлайди. Умид қиламизки, унинг режалари юрт манфаати йўлида амалга ошиб бораверади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Mutolaadan so'ng

Шоир назмидан сабоқлар

Миллий адабиётимизга Мухаммад Юсуфнинг — таъби назми дилбар, некбин шоирнинг кириб келиши кўплаб шеърят мухлислари кўнглида нафосат, инсонпарварлик, юртга муҳаббат туйғуларини ниш урдирди. Адабиёт дарсида ўқувчиларимни ҳассос шоиримиз ижоди билан таништирар эканман, улар мутолаадан сўнг, устоз, ортиқча «бақир-чақир»лару замзаларсиз ҳам халқнинг қалбига эш бўладиган жайдари оҳангларда юрт васфини тараннум этса бўларкан-ку, деган мулоҳазаларни кўп билдиришади.

Мухаммад Юсуф ижодини бошқа шоирлардан айро кўрсатувчи яна бир жиҳат — у кунда-кунора кўзимиз ташадиган майса-ғиёҳлару пахса деворларда ҳам ҳеч кимнинг ўй-хаёлига келмаган бетакрор манзарани, ғаройиб ташбеҳни илғай олади. Шу боис унинг шеърларини такрор ўқиб кўргач, ўз юртини юрак томирлари билан сева олган шоиргина бундайин жўшқин ва дилторай сатрлар бита олади, деб ўйлайсиз. Аслида ҳам, етмиш икки томири ўқловдай бўртиб Ватанини васф этмаган шоирнинг шеърлари уйдан нари чиқмайди.

Ўз таъбири билан айтганда, содда Мухаммаднинг шеърни англай олиш қувваи ҳофизаси турли бўлган шеърсеварларнинг ҳар бирига мос тарзда айтган изҳорлари бор. Дейлик, юраги илк муҳаббатдан вулқондай титраётган йигит билан лолақиз-ғалдоқларга, капалакларга ҳайрону лол тикилиб турган беғубор болакайнинг ватанпарварлигида, шубҳасиз, тафовут катта. Шоир ўз ўрнида ҳар иккисини бирдек тушунарли, моҳиятан улуг, сўз курими оддий сатрлар билан мафтун этади.

Ҳар гал фарзандимдек азиз ўқув-

чиларимга қутлуғ Ватан туйғуси ҳақида эркин мавзуда иншо ёздирмоқчи бўлсам, халқона сатрлари адабиётимиз кўксига маржондек зеб бериб турган Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг шу мисраларини такрорлагим келаверади:

*Кушдай учиб кучоғингдан
дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим
соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам,
шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам ёди меҳринг
овунч бўлди.
Айланайин қаро
қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин,
халқим, ўзингдан-а!..*

Гулжаҳон МАҲҚАМОВА,
Жаркўргон туманидаги
5-мактабнинг она тили ва
адабиёт ўқитувчиси

Nigoh

Куйлаш масъулияти

Яхши кўшиқ кишининг маънавиятини бойитиб, маданий, мусиқий дидини юксалтиради. Аксинча, ёмон ашула тингловчининг мусиқий савиясини тўмтоқлаштириб, таъбини хира қилади. Бу ҳақда мусиққа илмини чуқур тадқиқ этган Абу Наср Форобий сингари қомусий олимлар батафсил ёзиб қолдирган.

Мутахассислар фикрича, матн, куй, ижро профессионал, оҳанг ўзаро уйғун бўлса, кўшиқнинг муваффақиятли чиқиш эҳтимоли ортади. Бугунги кун миллий кўшиқчили-

гимиз мисолида буни таҳлил этсак, айрим ёш хонандалар ижоди нега бунчалик танқид қилинаётганини англаймиз.

Хусусий теле ва радиоканалларда янграётган ашула-

ларнинг аксарияти севги-муҳаббат ҳақидаги кўшиқлардир. Негадир, ватанпарварликни, истиклолни, эзуликни, ота-онага эҳтиром туйғуларини тараннум этувчи ашулар айрим тенгдош хонандалар ижодида деярли кўзга ташланмайди. Боз устига, куйланаётган кўшиқларнинг куйи ўғирланган, матни мазмунан саёз чиқяпти. Назаримда, бундай кўшиқларнинг дунёга келишига хонандаларнинг чуқур мусиқий билимга эга эмаслиги, куй ва шеър

танлашда диди ҳаминқадарлиги сабаб бўляпти.

Тўғри, ҳозир ҳам Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Орифхон Ҳотамов даражасида куйлашга интиладиган иқтидорли хонандалар бор. Бироқ бошқа кўшиқчилар ҳам яхши ашула айтишга ҳаракат қилса, улғаяётган ука-сингилларимизнинг мусиқий диди ошар эди.

Зебунисо ЖўРАЕВА,
Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият
институтининг магистранти



Дўконнинг совуққон эгаси

Австралиянинг Квинсленд штатидаги кийим-кечак дўконига олти метрли, оғирлиги 17 килограмм бўлма илон яшаб келаётгани аниқланди.

Айтишларича, дўкон ходимаси кўйлақлар орасида бўлма илоннинг думини кўриб қолади. Аёл шошиб қолганидан ҳатто овози ҳам чиқмайди. Кўшни дўкондагилар полицияга хабар берди. Полиция ходимлари ҳайвонот боғидан келган махсус мутахассислар билан илонни тутди. Уни Квинсленд штатидаги қўриқхонага қўйиб юборишди. Маълумотларга кўра, 2011 йилги тўфон вақтида дўконга келиб қолган махлуқнинг қачон ва қандай озиклангани маълум эмас. Бироқ шу вақтга қадар унинг ҳеч кимга зарари тегмаган.

Ҳаёт-мамот мусобақаси

Испанияда ўтказилган буқалар мусобақасининг сўнгги кунига 23 киши жароҳатланди. Деярли барча беморларда тери йиртилиши билан бирга, суюқлар синиши кузатишган. Австралиялик турист-иштирокчининг эса аҳволи оғир.

Буқалар мусобақаси испанлар наздида оддий ўйин. Маълум миқдорда пул тўлаган кишилар белгиланган кўчада турадилар. Кўчадан фақат 850 метр юргандан сўнг чиқиб кетиш мумкин. Одамлар кўчада пайти буқалар қўйиб юборилади. Жониворлар катта тезликда, олдида чикқанни аямасдан туртиб, шохлаб, босиб ўтиб кетади. Бу йилги мусобақада жами элликдан ортиқ киши жароҳатланган. Бу охириги ўн йилликдаги энг кўп талофат. Шундай совуқ аъна яна давом этармикан, нима дейсиз?

Сигирлар томда?!

Бразилиянинг аҳоли зич жойлашган Каратинга шаҳарчасида сигир ўй томидан қулаб тушди.

Натижада 45 ёшли Жоан Мария де Соуза ҳалок бўлган. Шаҳарчадаги фермадан қочган сигир тепалиқдан томга чиқиб олади. Табиийки, том сигирни кўтаролмайди. Томнинг синиб кетиши натижасида уй ичига тушиб кетган сигир тўғри бориб уқлаб ётган аёлнинг устига тушади. Қутқарув хизмати аёлни тезда шифохонага етказди. Афсуски, ички қон кетиши натижасида аёл воқеанинг эртаси кун шифохонада вафот этди.

46 йиллик гўшт

Хитой божхона хизмати вакиллари Вьетнам ҳудудидан олиб кирилаётган мuddати 46 йил олдин тугаган товۇқ гўштини ушлаб қолди.

Бир неча хил кимёвий моддалар таъсирида қайта ишланган гўштни музлатилган ҳолда машинада олиб ўтишмоқчи бўлишган. Сақлаш мuddати 1967 йилда тугаган, жами 22 тонна бўлган гўштни олиб қираётган бир неча вьетнамлик кишига жиноий иш кўзгатилади. Мутахассислар ушбу гўшт истеъмолчиларга етиб борганида, ўлим ҳолати кузатилиши ҳам мумкин эди, дейишди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Жаҳон чемпионати якунланди

Туркияда бўлиб ўтган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг голиб ва совриндорлари аниқланди.

Қитъадошларимиз — ироқлик ёшлар бир ҳафта ичида кетма-кет икки бор 120 дақиқадан ўйнаб бироз толиққанлари сабаб бўлдими, учинчи ўрин учун кечган беллашувда ганалик тенгдошларига кутилганидек қаршилиқ қила олишмади. Абуназар Асифуа, Агтама ва Ачимпонгнинг биттадан киритган голларига улар жавоб қайтара олишмади.



Чемпионатнинг финал учрашуви қизиқарли ўтди. Франция ва Уругвай ёшлар

терма жамоалари мазкур ўйинга бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш-

ди. Бироқ на асосий вақтда, на қўшимча таймларда иккала томонга гол уриш

Buni qarang-al

насиб этди. Пенальтилар бўйича эса француз дарвозабони Ореола маҳорат намойиш этиб, рақиб жамоанинг иккита зарбасини қайтаришга эришди. Бундан руҳланган жамоадoshлари Уругвай дарвозасини тўрт марта нишонга олишга муваффақ бўлдилар. Франция — Уругвай 4:1.

Чемпионат якунида бир нечта футболчи турли номинациялар бўйича мукофотланди. Хусусан, Франция термаси етакчиси Пол Погба чемпионатнинг энг яхши ўйинчисига аталган олтин тўпни қўлга киритган бўлса, уругвайлик Николас Лопесга кумуш тўп насиб этди. Ганалик ҳужумчи Абуназар Асифуа энг яхши тўпурага аталган олтин бутса соҳибига айланди.

Содик Тўраев



Jurnalning yangi soni

Қизиқарли ва ўқишли

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали ушбу соҳага қизиқувчи барча-барчага яна ўзининг ўқишли мақолалари, қизиқарли маълумотлари билан яхшигина тўхта бўлди.

Китоб ўқийдиган бола

Одатдагидек ишдан ҳориб қайтгач, рўзгор ишларига тарадудланаётган ҳам эдимки, эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Шу маҳалда ким келдйкан? Фашиқиб эшикни очсам — кўшнимизнинг ўғли, қўлида қандайдир қоғоз билан турибди.

— Ассалому алайкум, келиной, сиз адабиётчисиз-а? — деди дабурустдан.

— Ҳа, шундай, — дедим. — Бирор ёрдамим керакми?

— Менга мана бу китобларни топиб беролмайсизми? — У менга қўлидаги қоғозни узатди.

Қизиқсиниб қоғозни олдим. Чингиз Айтматов «Оқ кема», Абдулла Қаҳҳор «Ҳикоялар», Чўлпон «Кеча ва кундуз». Ҳа, унга шу асарлар керак экан-да.

— Агар ўзингизда бўлса бериб турсангиз, ўқиб бўлиб қайтариб бераман, — деди ўспирин умидвор қараб.

Бу китоблар менда йўқлигини, бироқ топишим мумкинлигини айтиб уни хотиржам қилдим. Эртасига у сўраган асарлардан биттасини китоб ҳолида, иккитасини электрон шаклда топдим. Қўшнимнинг ўғли китобни тантанавор, кўтаринки кайфиятда олди. Эшикни ёпгунимча қайта-қайта раҳмат айтди. Мен хур-

Mening fikrim

санд эдим. Азбаройи унинг китобга меҳри мени тўлқинлантирган эди.

Уша лаҳзаларда бугун кўплав давраларни ишғол қилаётган китоб ўқимаслик ҳақидаги гурунглари рад этиб, кўшни ўспиринни намуна қилгим келди.

Ҳа, китоб ўқийдиган, муталаага қизиқадиган ёшлар кўп. Фақат ўша қизиқиш нуқтасини топиш, муталаага рағбатлантириш етишмапти, назаримда. Мактаб даврида ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни бадиий китоблар ўқишга жалб этади. Менимча, худди шу вақтда ота-оналар фарзанди истаган китобни муҳайё қилиши, керак бўлса, у билан бирга ўқиб, асарни бирга муҳокама қилиши керак. Ана шунда биз истаган китобсевар, саводли ёшлар камолга етишига ҳисса қўшган бўламиз.

Нилуфар Ҳайитова

				Ўсимлик тури	Курраи замин	Дил, кунгил			Еттинчи ой	Электр тоқини ўлчаш асбоби
Киммат-бахо тош	Гавда қисми	Далолат-нома				Шикоят		Мистер (актёр)		Мард, азамат (шевада)
				Кесатик, пичинг	Нерв (Ўзбекча)				Наманган вил. туман	
Спорт ўйини		1 9 7				Зоғара балиқ	Нектар йиғувчи ари	Туз (синоним)	9 4 2	4 3
	9 6	8	3 8						2 8 7	6 4 9
		4 1 8		Куда...	Цитрус мева				9 7	4 8 2
	2 1 6 8 7					"...ни куруқ олиб қочма"	...-Пас (шаҳар)		5 4 6	9 4 7 9
	7 8 9								4 6 8	6 2
	8 2 7 4			Жағ, чакак	Корейс автоси	Фам-...				Бехуда кетган вақт (шева)
	7 3 9									
		5 7 8								
	Чанг, губор		Инкор этиш	Бурж номи			Маргарин тури			Катта хона
Дониш-манд, мутафаккир					Илк нота	Саломга жавоб			"Қирол (Шекспир)	

Майсара НАЗАРОВА

YON DAFTARCHANGIZGA

Отнинг ёмони той билан ўйнар,
Эшакнинг ёмони от билан ўйнар.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов Рустам Қўчқорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-743.
Адади — 8512
Босишга топшириш вақти — 21.00
Тоширилди — 22.40
ЎЗА якуни — 21.15

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6